

**Истеъмол кредити бериш тўғрисидаги**  
**\_\_\_\_-сонли КРЕДИТ ШАРТНОМА**  
**(намунавий шакл)**  
(мазкур Қоиданинг 24-банди бўйича)

\_\_\_\_\_ шаҳри 20 \_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг \_\_\_\_\_ филиали/Амалиёт бошқармаси (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси (бошлиғи) \_\_\_\_\_ Низом ва 20 \_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да берилган \_\_\_\_-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи, бир томондан ва \_\_\_\_\_ кейинги уринларда «Қарздор/мижоз» («\_\_» йил \_\_\_\_\_ да берилган паспорти серияси \_\_\_\_\_, N \_\_\_\_\_), деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси резиденти иккинчи томондан ушбу шартномани (келгусида шартнома деб аталади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**1-§. Шартнома предмети**

1. Банк, мавжуд кредит ресурслари доирасида ва Кредит комиссиясининг 20 \_\_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли баённомаси асосида \_\_\_\_\_ (товар, хизматлар номи) \_\_\_\_\_ сотиб олиш учун ушбу шартномада назарда тутилган шартлар асосида \_\_\_\_\_ (\_\_\_\_\_) сўм миқдорида кредит маблағларини беради.

2. Ушбу шартноманинг 1-бандида кўрсатилган кредит суммаси Қарздорнинг/мижознинг ёзма топшириқномаси (аризаси) асосида товарлар сотувчиси(хизматлар кўрсатувчи) ҳисоб рақамига кредитлаш объектини \_\_\_\_\_.20 \_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_-сонли олди-сотди шартномаси (контракт, битим) га асосан тўловларни нақдсиз шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. Қарздор/мижоз томонидан олинган кредит ҳисобини юритиш учун Банк унга тегишли ссуда ҳисоб рақамини очади.

**2-§. Шартнома қиймати**

4. Кредитнинг фоиз ставкаси йиллик ҳисоб асосида \_\_\_\_% миқдорида белгиланди. Кредит маблағи ушбу Шартнома шартларига мувофиқ ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда, муддати ўтказилган қарздорлик учун кредитнинг фоиз ставкаси йиллик ҳисоб асосида \_\_\_\_% миқдорида ўрнатилади. *(Банк кенгашиининг 2020 йил 22 октябрдаги 116-қарори билан тасдиқланган ва 574-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

4-1. Кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизни тўлаш томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ \_\_\_\_\_ усулида амалга оширилади.  
*(дифференциал ёки аннуитет) (Банк кенгашиининг 2021 йил 11 июндаги 76-сон қарори билан тасдиқланган ва 587-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

5. Банк кредитдан фойдаланганлик учун фоизни Қарздорга/мижозга ҳақиқатда берилган кредит бўйича асосий қарзнинг қолдиғига нисбатан ушбу Шартномада белгиланган номинал ставка бўйича ҳисоблайди. Бунда, кредитдан фойдаланганлик учун фоиз кредит маблағи Қарздор/мижоз томонидан кўрсатилган ҳисобвараққа ўтказилган санадан бошлаб ҳисобланади.

Кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизни тўлаш ушбу Шартномага илова қилинган кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Банк кредит тўловини ҳар ойнинг 11-санасида ундиради. Кредит тўлови дам олиш кунига тўғри келса, ҳисобланган фоизни тўлаш дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунига дам олиш кунига ҳисобланган фоизни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилгандан сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддати ўзгарганда, шунингдек Қарздор/мижоз томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралиқ кредит тўловларининг миқдори ўзгарганда Банк кредитни қайтариш жадвалини, қўшимча келишувга асосан, янгидан расмийлаштиради. Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. *(Банк кенгашининг 2020 йил 22 октябрдаги 116-қарори билан тасдиқланган ва 574-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

6. Кредит бўйича тўлов муддати ўтган фоиз юзага келган тақдирда Қарздор/мижоз ҳар бир муддати ўтган кун учун тўлов муддати ўтган фоиз қийматидан \_\_%, лекин муддатида тўланмаган фоиз қарздорлигининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда Банкка пеня тўлайди (агар тегишли кредит комиссияси қарорида муддати ўтган фоиз қарздорлигига пеня ўрнатилган бўлса). Пеня тўланиши Қарздорни/мижозни муддати ўтган фоиз қарздорлигини тўлашдан озод қилмайди. *(Банк кенгашининг 2022 йил 25 мартдаги 35-қарори билан тасдиқланган ва 2022 йил 31 мартда 602-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

6-1. Кредит бўйича амалга оширилган тўлов қиймати Қарздорнинг/мижознинг Банк олдидаги мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаганида, келиб тушган пул маблағи ушбу Шартнома бўйича қарздорликни тўлашга қуйидаги кетма-кетликда йўналтирилади:

- а) пеня ва жарима бўйича тўловлар;
- б) кредитга ҳисобланган фоиз бўйича муддати ўтган тўлов;
- в) ўз вақтида қайтарилмаган кредитнинг асосий қарзига нисбатан оширилган фоиз ставкасида ҳисобланган фоиз бўйича тўлов;
- г) кредитнинг асосий қарзи бўйича муддати ўтган тўлов;
- д) кредитга ҳисобланган фоиз бўйича жорий тўлов (кредитни қайтариш жадвалига кўра тўлов муддати келган бўлса);
- е) кредитнинг асосий қарзи бўйича жорий тўлов (кредитни қайтариш жадвалига кўра тўлов муддати келган бўлса).

*(Банк қузатув кенгашининг 2022 йил 27 июндаги 93-сон қарори билан тасдиқланган ва 2022 йил 15 июлда 608-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

*7 ва 8-бандлар Банк кенгашининг 2018 йил 4 майдаги 86-қарори билан тасдиқланган ва 489-сон билан рўйхатга олинган қўшимча ва ўзгаришларга мувофиқ ўз кучини*

*йўқотган:*

7. Қарздор/мижоз ташаббусига кўра кредитлаш шартлари қайта кўрилган тақдирда, Қарздор/мижоз Банкка кредитнинг амалдаги қолдиғидан \_\_\_\_% миқдорида комиссия тўлайди.

8. Қарздор/мижоз томонидан кредит маблағи тўланишидан олдин кредит лойихаси кўриб чиқилганлиги учун \_\_\_\_\_ миқдорида комиссия тўланади.

### **3-§. Банк мажбуриятлари**

9. Кредитни Қарздорга/мижозга 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_дан 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_гача фойдаланиш муддати билан бериш.

10. Тегишли кредит ҳисоб рақамларини очиш.

11. Қарздор/мижоз томонидан кредит берилиши учун барча зарур шартлар бажарилгач, кредит маблағини товар (хизмат) сотувчисининг ҳисобварағига ўтказиб бериш.

11-1. Қарздорни/мижозни қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ўз молиявий аҳволини таҳлил қилиши зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш:

а) Қарздорнинг/мижознинг қарз юки жорий молиявий аҳволига мос келиши;

б) ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажариши учун тахминан қайси муддатларда ва қанча миқдорда пул маблағи келиб тушиши кутилаётганлиги (иш ҳақи тўланиши, бошқа даромад олиши даврийлиги);

в) ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келиши мумкин бўлган енгиб бўлмас куч таъсиридаги вазиятлар ва бошқа ҳолатлар юз бериши эҳтимоли (доимий ишини йўқотиш, ўзига боғлиқ бўлмаган сабабга кўра иш ҳақи ва бошқа турдаги даромадни кечикиб олиши, ишга жойлашиши, соғлиғининг ёмонлашганлиги натижасида даромадининг тушиб кетиши).

*(Банк қузатув кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

11-2. Қарздордан/мижоздан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш графигида белгиланганга нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини кредитнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтириш ҳамда кредит қийматини қайта ҳисоблаш.

*(Банк қузатув кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

12. Кредитни муддатидан олдин ундириш омили ва сабаблари ҳақида Қарздорни/мижозни хабардор этиш.

13. Асосий қарзни тўлаш бўйича \_\_ ойлик имтиёзли давр белгилаш (қарздор/мижоз томонидан асосий қарзни тўлаш учун имтиёз сўралганда). *(Банк қузатув кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

13-1. Кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда қарздор/мижоз зиммасидаги қарз юки янада ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу қарздорлик юзага келган санадан бошлаб 7 календарь куни давомида ҳар қандай алоқа боғлаш усулидан, шу жумладан электрон алоқа воситасидан фойдаланиб, қарздорга/мижозга муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақида кредитни қайтариш графигини илова қилган ҳолда хабар бериш. *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

13-2. Қарздорни/мижозни ушбу шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганлиги ҳолати, муддати, қиймати, таркиби ва оқибатлари ҳақида хабардор қилиш, қарздордан/мижоздан муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келиши сабаблари ҳақида сўраш. *(Банк кенгашининг 2019 йил*

28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)

13-3. Қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздорга/мижозга етказиш (ушбу талабномада талабнома тузилган санадаги қарздорнинг/мижознинг жорий қарзи миқдори ва таркиби, қарзни тўлаш усуллари, талабномада кўрсатилган муддатгача қарздор/мижоз ўз мажбуриятларини бажармаслиги оқибатлари ва низони судгача ҳал қилиш усуллари қайд этилади). (Банк кенгашининг 2021 йил 11 июндаги 76-сон қарори билан тасдиқланган ва 587-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)

13-4. Банк Қарздорга/мижозга ушбу Шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, мазкур кредит бўйича маблағ беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмасдан Қарздорга/мижозга кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаби юзасидан ёзма хабарнома юбориш. (Банк қузатув кенгашининг 2020 йил 22 октябрдаги 116-сон қарори билан тасдиқланган ва 574-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)

13-5. Қарздор/мижоз томонидан кредит бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганидан сўнг, мазкур қарздорлик бўйича амалга оширилган охириги тўлов санасининг кейинги уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Қарздорнинг/мижознинг шахсий кабинетидан кредит бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилганлиги ва ушбу шартнома бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот жойлаштириш. (Банк қузатув кенгашининг 2020 йил 22 октябрдаги 116-сон қарори билан тасдиқланган ва 574-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)

#### 4-§. Қарздорнинг/мижознинг мажбуриятлари

14. Кредитдан фойдаланиш давомида кредит олиш тартибларига, яъни қайтаришлилик, таъминланганлик, муддатлилик, тўловлилик ва кредитни мақсадли ишлатиш тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш.

15. Қарздор/мижоз таъминот сифатида куйидагиларни тақдим этади: (ушбу банд таъминот турига қараб акс эттирилади)

- \_\_\_\_\_ га тегишли (кадастр № \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_, бинога гувоҳнома № \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_), ва \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ (кўчмас мулкнинг тўлиқ номи) \_\_\_\_\_ (рақам ва ёзма ҳолда)

сумга кўчмас мулк гарови, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва банкни қониқтирийдиган шаклда;

- \_\_\_\_\_ га тегишли (техпаспорти № \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_), давлат рақами \_\_\_\_\_ ва \_\_\_\_\_ манзилда руйхатдан утган \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ (транспортнинг тўлиқ номи) \_\_\_\_\_ (рақам ва ёзма ҳолда)

сумга автотранспорт гарови, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва банкни қониқтирийдиган шаклда;

- \_\_\_\_\_ сум кредит ҳамда ҳисобланган фоизлар, жарима тўловлари ва кредит бўйича бошқа туловларни коплаш бўйича \_\_\_\_\_ нинг кафиллиги.

16. Гаров мулкани истемол кредити амал қилиш муддатида банк фойдасига ўрнатилган тартибда суғурталайди. Суғурта шартномаси, суғурта полиси ва нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров шарномаси асл нусхаларини банкка тақдим этади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни таъминлаш, алоҳида шартнома доирасида тартибга солинади, гаров шартномалари (кафиллик) - кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

17. Қарздорнинг/мижознинг ва гаровга берувчининг гаров реестрига ёзувларни киритиш учун ёзма розилигини тақдим этиш.

18. Кредитни, мазкур шартномада кўрсатилган, яъни 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ гача, ҳар ойнинг 11 санасида, кредитнинг асосий қарзини ва у бўйича ҳисобланган фоизларни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган жадвалга асосан тўлаш.

19. Банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига нақд пул киритиш ёки иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тўловни амалга ошириш йўли билан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизни ҳамда Банк тарифларига мувофиқ ундириладиган воситачилик ҳақини сўндириш. *(Банк кенгашининг 2018 йил 4 майдаги 86-қарори билан тасдиқланган ва 489-сон билан рўйхатга олинган қўшимча ва ўзгартиришлар таҳриридаги банд)*

20. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборотни 5 (беш) кун мобайнида банкка тақдим этиш.

21. Ушбу шартнома амал қилиш муддати мобайнида Қарздор/мижоз, банкнинг даслаб розилигини олмасдан, ушбу шартнома бўйича Қарздорнинг/мижознинг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб қилмаслиги ва кафиллик бермаслиги шарт.

22. Кредитлаш объектига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг \_\_ кун муддат ичида Банкка кредитдан мақсадли фойдаланилишни тасдиқловчи ҳужжатлар (накладной/қабул қилиш далолатнома/ ҳисобварақ ) тақдим қилиш.

23. Банк сўровига биноан банк вакилларига кредит таъминотига олинган мол-мулкни, кредитга тааллуқли бўлган бошқа мол-мулкни кўздан кечириш ва ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятларини бажарилишига тааллуқли бўлган ҳар қандай бошқа мол-мулкни жойига бориб кўриш имкониятини таъминлаш.

24. Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қилиш бутун даври мобайнида Қарздорнинг/мижознинг ва кафилнинг (агар жисмоний шахс кафиллиги тақдим қилинган бўлса) даромадлари тўғрисидаги ахборотни (агар юридик шахс кафиллиги тақдим қилинган бўлса) солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган баланс ва бошқа молиявий ҳисоботларни ҳамда ушбу истеъмол кредитига тегишли бўлган бошқа маълумот ва ҳужжатларни, банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича тақдим этиш.

25. Банк талабига ва кредит муносабатлари жараёнида пайдо бўладиган заруратга кўра, кредитга оид масалага тегишли саволлар ва ҳар қандай маълумотни тақдим қилиш. Банкка тақдим қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун Қарздор/мижоз жавоб беради.

## **5-§. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

26. Банкнинг ҳуқуқлари:

27. Банк, Қарздорнинг/мижознинг ва кафилнинг молиявий ҳолатини, гаровга қўйилган мол-мулкни назорат қилиш ва Қарздор/мижоз мажбуриятларини бажарилиши назоратини амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

28. Қарздор/мижоз томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганда банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталганини амалга оширишга ҳақли ҳисобланади: *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 майдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган қўшимча ва ўзгартиришлар таҳриридаги хатбоши)*

қарздор/мижоз томонидан ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтариш ва (ёки) ҳисобланган фоизни тўлаш муддати бузилганда низони судгача ҳал қилиш юзасидан ўз талабномасини қарздорга/мижозга етказиш; *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 майдаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган қўшимча ва ўзгартиришлар*



*тахриридаги хатбоши)*

қарздор/мижоз томонидан низони судгача ҳал қилиш юзасидан талабномада белгиланган муддатда кўрсатилган талаблар лозим даражада бажарилмаганда, судга даъво билан мурожаат қилиш; *(Банк кенгашининг 2021 йил 11 июндаги 76-сон қарори билан тасдиқланган ва 587-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат тахриридаги банд)*

- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича қўшимча равишда таъминот талаб қилиш;
- ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажармаслик ҳолати аниқланганда қарздордан/мижоздан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисmini муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- кредит бўйича қарздор/мижоз ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган тақдирда, Банк ундирувни гаров ва кафиллик шартномаларида белгиланган шартларда таъминотга қаратиш;
- ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш.

29. Қуйидаги ҳолларда кредит бўйича қарздорликни Қарздор/мижоз, биргаликда қарздор ва кафилнинг Банкдаги ҳамда бошқа резидент банклардаги ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ундириш:

а) кредит юзасидан асосий қарз ва/ёки фоиз бўйича муддати ўтган қарздорлик пайдо бўлганда;

б) Банк томонидан кредитни муддатидан олдин сўндириш тўғрисида қарор қабул қилинганда.

*(Банк кенгашининг 2022 йил 26 сентябрдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган ва 2022 йил 28 сентябрда 619-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат тахриридаги банд)*

30. Қарздор/мижоз ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб истеъмор кредитини бир ой муддатда ўзлаштирмаган тақдирда, банк ушбу шартномани, қарздорни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

31. Қарздор/мижоз томонидан кредит бўйича асосий қарз ва/ёки унга ҳисобланган фоизлар икки ой давомида кетма-кет сўндирилмаса, банк юзага келган қарздорликни сўндириш учун ундирувни қарздор/мижоз томонидан тақдим қилинган гаров таъминотига қаратиш ҳуқуқига эга.

*(Агар пул маблағлари гарови олинган бўлса)*

32. Қарздор/мижоз истеъмор кредитини сўндириш жадвалига асосан белгиланган муддатларда асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизларнинг сўндирилиши бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Банк пул маблағи гарови ҳисобидан фармойишга биноан ундириб олиш ҳуқуқига эга. Бунда қарздорлик бўйича ундирилган сумма миқдори икки ой давомида қарздор/мижоз томонидан тўлдирилиши шарт.

33. Қарздор/мижоз томонидан кредит бўйича асосий қарз ва/ёки унга ҳисобланган фоизлар сўндирилиши бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, ҳамда кредит бўйича бир-нечта таъминот турлари тақдим этилган бўлса, Банк ундирувни ўзи хоҳлаган таъминотга қаратиш ҳуқуқига эга.

34. Қарздорнинг/мижознинг ҳуқуқлари:

34-1. Ушбу шартнома тузилгандан кейин ва қарздор/мижоз томонидан пул маблағи олингунга ёхуд кредит ҳисобидан мол-мулк учун тўлов амалга оширилгунга қадар бўлган даврда кредит олишдан бепул асосда воз кечиш. *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

35. Ушбу шартноманинг 1-бандида кўрсатилган сумма доирасида товар (кўрсатилган хизматлар) учун кредит ҳисоб рақамидан тўловни амалга ошириш.

36. Кредит бўйича навбатдаги асосий қарз ва фоиз тўловларини муддатидан олдин сўндириш.

37. Олинган кредит бўйича асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизни жарима санкцияларисиз исталган вақтда муддатидан олдин тўлиқ тўлаган ҳолда Банк билан ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш. *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

## **6-§. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

38. Томонлар ушбу Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, уларга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилади. *(Банк қузатув кенгашининг 2020 йил 22 октябрдаги 116-сон қарори билан тасдиқланган ва 574-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

## **7-§. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

39. Банк ва Қарздор/мижоз, тарафларнинг ўзаро розилигига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган низони судгача ҳал қилиш усуллари қўллашга, шу жумладан музокара ўтказиш орқали ҳал қилишга ҳақли ҳисобланади. *(Банк кенгашининг 2021 йил 11 июндаги 76-сон қарори билан тасдиқланган ва 557-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

40. Қарздор/мижоз низони судгача ҳал қилиш юзасидан ушбу Шартноманинг 13-3-бандида қайд этилган талабномада белгиланган муддатда кўрсатилган талабларни лозим даражада бажармаганда, Банк судга даъво билан мурожаат этади. *(Банк кенгашининг 2021 йил 11 июндаги 76-сон қарори билан тасдиқланган ва 557-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжат таҳриридаги банд)*

## **8-§. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ**

41. Кредит асосий қарзи ва асосий қарз бўйича ҳисобланган фоизларни сўндириш жадвали иловаси ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

41-1. Банк Қарздор/мижоз учун ушбу шартнома бўйича асосий қарзни қайтаришнинг ва ҳисобланган фоизни тўлашнинг масофадан туриб амалга ошириш имкониятини яратади. *(Банк кенгашининг 2019 йил 28 июндаги 95-қарори билан тасдиқланган ва 533-сон билан рўйхатга олинган қўшимча ва ўзгартишларга мувофиқ киритилган банд)*

41-2. Банк ушбу шартноманинг шартларини, шу жумладан кредит бўйича фоиз ставкасини ва уни белгилаш тартибини, воситачилик ҳақи миқдорини ҳамда ушбу шартноманинг амал қилиш муддатини бир тарафлама ўзгартиришга ҳақли эмас. *(Банк кенгашининг 2020 йил 24 февралдаги 15-қарори билан тасдиқланган ва 554-сон билан рўйхатга олинган ички норматив ҳужжатга мувофиқ киритилган банд)*

42. Қарздорнинг/мижознинг ўлими юз берган ҳолда, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчиликка асосан меросхўрлари зиммасига ўтади.

43. Шартнома шартлари бажарилиши муддати, шартнома имзоланган кундан бошлаб то Қарздор/мижоз томонидан шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

44. Шартнома шартларининг ўзгариши томонларнинг қўшимча битимига асосан расмийлаштирилади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

45. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини қўллайдилар.

46. Ушбу шартнома Банк ва Қарздор/мижоз учун алоҳида икки асл нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва шартнома имзолангандан то шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.

## **ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**

| БАНК                          | ҚАРЗДОР/МИЖОЗ |
|-------------------------------|---------------|
| «Трастбанк» ХАБ _____ филиали | Ф.И.Ш _____   |
| Манзил: _____                 | Манзил: _____ |
| МФО _____, СТИР _____         | х/р _____     |
| Тел. _____                    | Тел. _____    |
| Факс _____                    | Факс _____    |
| Филиал бошқарувчиси _____     | _____         |
| (имзо)                        | ИМЗО          |
| Бош бухгалтер _____           |               |
| (имзо)                        |               |
| М.Ў.                          |               |